

323  
Y17

982

32 ♂ -

W

+  
d.  
m

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН:  
13 ЙИЛ МУСТАҚИЛ  
ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

2033480



ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 2004

Мазкур маълумотномада Ўзбекистоннинг 13 йил давомида қўлга киритган ютуқлари қисқача баён этилган бўлиб, у ўқитувчилар ҳамда талаба-ўқувчиларга мўлжалланган. Маълумотномадан „Мустақиллик дарслари“ни ўтишда фойдаланиш мумкин.

**0503000000—154**  
**353(04)—2004**

ISBN 5—645—04274—3

© „Ўқитувчи“ нашриёт-матбаа  
ижодий уйи, 2004.

**Истиқол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Үз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик.**

*Ислом Каримов*

### **МУХТАРАМ ЎҚУВЧИ!**

Ватанимиз — Ўзбекистон ўзининг Давлат мустақиллигини қўлга киритгани ва мустақил тараққиёт йўлини бошлаганига 13 йил тўлди.

Биз 1991 йил 1 сентябрдан қанчалик узоқлашганимиз сари, ҳалқимиз тақдирида бурилиш ясаган бу тарихий воқеанинг баъзи бир томонлари хотирамиздан шунчалик унутилиб боравериши мумкин.

Шунга қарамасдан, мана шу улуг сана билан бугунги қунимиз ўртасидаги масофа қанчалик узайса, ўтган давр ичидаги амалга оширилган буюк ўзгаришларни атрофлича таҳдил қилиш, улардан холосалар чиқариш зарурияти тугилаверади. Бу эса, ўз навбатида, мустақиллик йилларида ҳалқимизнинг қўлга киритган ютуқларини яна ва яна хотирамизда тиклашни, уларни ўсиб келаётган авлодга тўлалигича етказиб беришни тақозо этади.

Қўлингиздаги мўъжазгина рисолада мамлакатимизнинг 13 йиллик мустақил тараққиети давомида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хукуқий, маданий-маънавий ва ҳалқаро соҳаларда амалга оширилган ислоҳотларнинг мазмуни қисқача баён этилган.

Мустақиллик йиллари моҳиятн юртимиз тарихида шарафли ва ўта масъулияти даврни ташкил этди. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда, мамлакат тақдирида муҳим ва кескин ўзгаришлар юз берди. Турмуш тарзимиз ўзгариб бормоқда. Ўзлигимизни англаб, юртимизда ва шахсий ҳаётимизда содир булаётган янингиланиш жараёнларини ҳаққоний таҳтил этадиган бўлиб қолдик. Миллий истиқол гояси бизнинг иймонимиз мезонига айланиб, қарамлик, боқимандалик кайфиятидан озод бўла бошладик. Келажак тақдиримиз ўз фаолиятимизга боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

## ВАТАН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҚҰЛГА КИРИТИЛИШИ

ХХІ аср бұсағасида Ватанимиз тарихида буюк воқеа содир бўлди. Президент Ислом Каримов 1991 йил 31 август куни Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини эълон қилди. Сессияда „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тұғрисида“ Олий Кенгаш Баёноти қабул қилинди. „Ўзбекистон Республикаси, — деб таъкидланади Баёнотда, — тұла давлат ҳокимиятига эга, халқаро муносабатларда мустақил давлат, олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаган ҳолда барча шериклар билан тeng ҳуқуқли, ўзаро манфаатли битимлар ҳамда шартномалар тузиш учун ўзини очиқ деб эълон қилади“.

Мазкур сессияда „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тұғрисида“ қарор қабул қилиниб, 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгиланды ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинди. Шунингдек, Олий Кенгашда „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тұғрисида“ Қонун қабул қилинди. 17 моддадан иборат ушбу қонуннинг биринчи моддасида: „Ўзбекистон Республикаси ўз таркиидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлатдир“, — деб қонунлаштирилиб қўйилди.

Ўзбек халқининг муқаддас, тарихий орзуси ушалди. У сиёсий мутелик ва асоратдан қутулди. Дунё харитасида яна бир мустақил, озод, суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги халқимизнинг узоқ йиллар давомида олиб борган оғир ва мاشаққатли кураши нинг қонуний натижаси бўлди. Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигини қувонч билан кутиб олди ва маъқуллади. Бунга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi томонидан эълон қилинган „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?“ мавзуида 1991 йил 29 декабрда ўтказилган референдум натижалари яққол мисол бўла олади. Умумхалқ референдумида сайлов рўйхатига киритилганларнинг 94,1 фоизи ёки 9 млн. 898 минг 707 киши қатнашди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини ёқлаб 9 млн. 718 минг 555 киши ёки референдумда қатнашганларнинг **98,2** фоизи овоз берди.

Ўзбекистон халқи мустақиллик туфайли қуидаги имкониятларга эга бўлди:

— ўз тақдирини ўзи белгилаш, давлат ва жамиятнинг сиёсий тизимини мустақил яратиш, демократик йўл асосида сайланган органлар орқали ҳокимиятни бутун тўлалиги билан бошқариш;

— ишлаб чиқариш ва илмий-техник имкониятларга, табиий ва хом ашё ресурсларига тўла эгалик қилиш, улардан мамлакат манбаатлари йўлида фойдаланиш;

— тараққиёт йўлини жаҳон тажрибалари, тарихий анъаналар ва халқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил танлаш;

— миллий давлатчилигимиз анъаналарига асосланган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат қуриш;

— очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш;

— тарихимизни холисона ёритиш, миллий ва диний қадриятларимизни қайтадан тиклаш, ҳаётимизни эски ҳукмрон мафкура ва мустабид тузум асоратидан холос этиш;

— ёш авлодни ҳақиқий ватанпарвар этиб тарбиялаш, уларга замон талаблари даражасида билим бериш ва касб-хунар ўргатиш;

— ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъод ва қобилияtlарини тўла намоён этиш;

— юртимиз хавфсизлиги, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш;

— халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этиш, барча нуфузли ташкилотларга тенг ҳуқуқлилик асосида аъзо бўлиб кириш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро манбаатли шартнома ва битимлар тузиш.

Шундай қилиб, мустақиллик халқимизга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда юзага келган мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятга тўғри баҳо бериш, оғир иқтисодий танглик, аҳолининг ноҷор ижтимоий аҳволи келтириб чиқариши мумкин бўлган аянчли оқибатларнинг олдини олиш ёш давлатимиз, айниқса, Президентимиз Ислом Каримов зиммасига жуда катта масъулият юклаган эди. Ўтган

аср саксонинчى йилларининг охири ва тўқсонинчى йилларнинг бошида мустабид совет ҳокимиятиning зўравонлигини, коммунистик мағкурунинг якка ҳокимлигини қоралаб чиқсан «Бирлик» ҳалқ ҳаракати, „Эрк“ демократик партияси, кейинчалик, мамлакатимиз истиқолол йўлига қадам қўйгандан сўнг, жамиятни янгилаш учун бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш зарурияти ва унинг мешаққати, қандай ислоҳотлар ўтказиш кераклигини, одамлар онги ва психологиясини ўзгартириш лозимлигини тушуниб етмалилар. Улар конструктив соглом оппозициянинг демократик тамойилларини оёқ ости қилиб, мамлакатда вужудга келган қийинчиликларни рӯкач этган ҳолда турли йўллар билан ҳокимиятни қўлга олишга ҳаракат қилилар. Янги жамият қуриш, яратувчилик, бунёдкорлик ишларидан хабарсиз, сиёсий партия, партиявий кураш, муҳолифат нима эканлигини тушуниб етмаган бу гуруҳлар сохта эҳтиросли шиорбозлик, ҳайқариқлар билан митинглар уюштирилар, ҳалқни депутатлар фаолиятига ишончсизлик билдиришга чақирилар, ҳукумат раҳбарларига ҳар хил жирканч йўллар билан маънавий, сиёсий зарба беришга ҳаракат қилдилар.

Шундай қабиҳ ният билан 1989 йил май-июнь ойларида Бўка ва Паркентда содир этилган фожиалар, 1990 йилнинг июнь ойидаги Ўз ва Ўзган воқсалари, 1991 йилнинг 8 декабря Намангандаги собиқ вилоят ижроқуми биносини эгаллаб олган диний экстремистларнинг конституцион тузумга қарши тажовузлари, 1991 йил октябрь ойила Олий Кенгаш 7-сессиясида Президентни агадаришга бўлган уринишлар, 1992 йилнинг 16 январида Талабалар шаҳарчасида уюштирилган тартибсизликлар ва шунга ўхшаган хатти-ҳаракатлар ҳалқимизнинг ҳамжи-ҳатлигини бузиш, унинг эркинлик ва озодлик учун олиб бораётган курашига зарба беришга қаратилганлигини бугун барчамиз яхши биламиз.

Бундай курашида Президент Ислом Каримовнинг метин ирласи, ўз ишига ва ҳалқига ишончи жамиятимизни барқарорлик, иқтисодий тараққиёт, маънавий равнақ йўлидан олиб боришида ҳал қилувчи ғожъ уйнади. Қизгин сиёсий курашда ҳалқимизга, соглом сиёсий кучларга таянган Президент Ислом Каримов голиб чиқди. Фаним кучлар ўз ниятларига етолмалилар. Буни жаҳон матбуоти ҳам тан олди. Масалан, „Век“ газетаси ўша давр тўгрисида 1995 йилнинг 21—27 июль сонида шундай деб ёзди: „СССР парчаланиб кетгандан сўнг энг даҳшатли воқеа Ўзбекистонда юз

бериши лозим эли. Лекин бундай бўлмади, Каримов бирорта ҳам хатога йўл қўймади”.

Мустақиллик жуда катта масъулиятдир. Мустақилликни асрарни уни қўлга киритишга нисбатан оғирроқ вазифалир. Маълумки, жаҳон тарихида ҳалқлар ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритгандан кейин уни ички ва ташқи душманлардан сақлаб қолиш, ҳалқни бу масъулиятли ишга сафарбар этишга жилдий ёнлаша олмаганилиги сабабли яна қарам бўлиб қолганлигини кўрсатувчи мисоллар кам эмас. Бу эса биздан доимо мустақилликни асрраб-авайлашни, огоҳ бўлишни талаб этарди.

## ОГОҲ БЎЛАЙЛИК!

„Огоҳ бўлинг, одамлар!“ — деган даъват ҳамиша бонг ургандек янграб туриши керак. Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг. Ўз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқдир.

Ислом Каримов.

XX асрда „экстремизм“, „терроризм“ тушунчалари энг кенг тарқалган сиёсий сўзлар қаторидан жой олди. Бомбаларнинг портлаши, сиёсий арбобларга нисбатан қотилликлар, самолёт ва одамларни гаровга олиш ҳозирги замон турмуш тарзининг ажralmas белгисига айланниб қолди.

Ўзбекистоннинг мустақиллигини кўролмайдиган ҳам ташқи, ҳам ички ғанимлар мавжудлиги ҳаммамизга маълум. Энг хавфлиси ички ёвуз кучларнинг жамиятимиз ҳаётига солаётган таҳдидидир. Бундай уринишлар 1991 йил декабрда Наманганда, 1999 йил 16 февралда Тошкентда содир бўлди. Террорчи кучлар, сиёсий, диний экстремистлар томонидан Тошкентда уюштирилган террорчилик ҳаракати оқибатида 16 нафар бегуноҳ инсонлар шаҳид кетди, 120 нафар киши тан жароҳати олди. Ўзбекистон марказида диний экстремистлар маҳсус машиналарга, худди Афғонистону Чеченистанда террорчилар ишлататётган қўлбола бомбаларни жойлаб, энг муҳим маҳкамалар қошила портлатдилар. Бу даҳнатли фалокат аламзала душманнинг

иложи бўлса, мустақил давлатнинг асосчиси — Ислом Каримовни, сидқидилдан хизмат қилаётган ўз падари бузрукворларини ҳам маҳв этишга тайёр эканликларини кўрсатди. Минг бора шукурлар бўлсинки, 16 февраль воқеалари ташкилотчиларининг ёвуз ниятлари амалга ошмади. Юрганбосимиз ва давлатимизнинг бошқа раҳбарлари омон қолдилар. Террорчилар ўз қилмишларига яраша жазоландилар.

Халқаро террористик марказларнинг ҳомийлиги ва молиявий қўллаб-куватлаши оқибатида хорижий мамлакатларда ташкил топган ва Афғонистон худудида ўнашиб олган террорчи кучларнинг бир гуруҳи 1999 йилда Янгибод, 2000 йилда Сариосиё ва Узун туманларига бостириб кириб, мамлакатимиз тинчлигини бузишга уриндилар. Ўзбекистон Куролли Кучлари уларни тор-мор этиб, мамлакат тинчлиги, эл осойишталигини ҳимоя қилишга қодир эканлигини кўрсатди.

2004 йил 28 март — 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри, Бухоро ва Тошкент вилоятларида такроран террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Бир неча бегуноҳ одамлар, милиция ходимлари қурбон бўлдилар. Ёвуз кучлар ҳаракати бостирилди. Жиноятчиларнинг ўзлари томонидан ясалган мосламаларнинг портлаши туфайли ҳамда маҳсус операциялар давомида 33 нафар террорчи йўқ қилинди, улардан етти нафари аёллардир. Кўлга туширилган 54 нафар гумондор шахслардан 45 нафарига нисбатан айблов эълон қилинган, уларнинг 15 нафари аёллардир. 2004 йил 30 июль куни Тошкент шаҳрида Истроил ва АҚШ элчихоналари олдида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси биносида террорчилик ҳаракатлари уюштирилди. Бунинг натижасида 4 та бегуноҳ фуқароларимиз ҳалок бўлдилар. Жиноятчилар қилмишига яраша жазоландилар, албатта. Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига тажовуз қилишга уринаётган кучлар ҳеч қачон ўзининг қора ниятига етолмайдилар.

Ўзбекистонда бўлиб ўтган террорчилик ҳаракати билан халқаро терроризм ўртасида бевосита боғлиқлик борлиги ҳаммага аён.

Барча ривожланган мамлакатлар, бутун тараққийпарвар инсоният терроризмнинг бундай қутуришларининг олдини олишга, уларнинг раҳнамоларининг танобини тортиб қўйишга чақирмоқдалар.

Президентимиз Ислом Каримов терроризм билан курашни фақат мавжуд ҳаракатда иштирок этувчиларни йўқотиш би-

лангина чегараланиб қолмасдан, уларга хизмат қилаётган базаларга ҳам қарши курашиш кераклигини бир неча бор таъкидлаб ўтганлар.

Одамлар онгини заҳарловчи терроризмни қурол-аслаҳа билан таъминлаб турувчи марказлар билан кескин кураш олиб бориш керак. Террорга ва наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчиларга нисбатан бетараф турувчи мамлакатнинг ўзи бўлиши мумкин эмас.

Ҳозирги вақтда терроризмнинг ядро, кимёвий, биологик кўринишлари мавжуд.

Оммавий қирғин қуролларидан фойдаланаётган терроризмнинг олдини олиш ҳалқаро ва миллий хавфсизлик учун биринчи даражали вазифа бўлиб турибди. Ҳозирча бирор-бир террорчилик ташкилоти ядро, кимёвий ёки биологик қуролларга эга эканлиги тўғрисида маълумот йўқ, шунга қарамасдан мазкур қуролларга эга бўлиш имконияти реал мавжуд. Бу одамзодни ларзага келтиради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳукм суроётган тинчлик ва тутувликни бузишга ҳаракат қилаётган террористик ва экстремистик кучлар мавжуд. Уларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадлари давлатимизни агдариш, танлаган йўлимииздан бизни қайтаришдан иборатdir. Бундай қабиҳ ниятли кучлар ва марказлар пухта ўйланган режа асосида, катта маблағ билан таъминланган ҳолда энг замонавий восита ва имкониятларга эга бўлган тарзда ҳаракат қилмоқдалар. Улардан бири ҳар хил марказлар томонидан маблағ билан таъминланиб турувчи „Ҳизбут-тахрир“ диний оқимиdir. Мазкур диний оқим тарафдорлари ҳеч қандай ақлга сигмайдиган афсонавийояни олдинга сурмоқдалар. Яъни гўё барча мусулмонлар халифалик, деб ном олган диний давлатга бирлашишлари керак ва уни битта халифа бошқариши зарур эмиш. Бир ўйлаб кўрайлик. Ҳозирги, XXI аср бошларидаги шароит бундан минг йиллар олдин мавжуд бўлган шароитдан тубдан фарқ қилибгина қолмасдан, унинг қарама-қаршисидир. Тарихни орқага қайтариш мумкин эмас. „Ҳизбут-тахрир“ диний оқими, унинг ақидапараст «доҳий»лари дунё ҳаритасини ўзгартиришга, ҳалқларни ўрта асрларда ҳукм сурган жаҳолат даврига қайтаришга қанчалик уринмасинлар, улар ўз ниятларига эриша олмайдилар. Зоро биз, Президенти-

миз таъкидлаганидек, „қандайдир бечора, кимнингдир етаклашига муҳтож бўлган давлат ёки халқ эмасмиз“.

Бу ҳаракатларнинг илдизи мамлакатимиз ташқарисида жойлашган халқаро террорчилик ва экстремизм марказларига бевосита боғлиқ эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги нутқида бу тасдиқни етарли далиллар билан исботлаб берди.

**Биз ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимизга бир ҳақиқатни, яъни „Эй болам, сенинг Ватанинг битта — барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Отабоболарингни хоки шу ерда ётиби. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоглиқ аддо этишингга боғлиқ“ деган тушунчани уларнинг қалбига, онгу шуурига сингдиришимиз даркор.**

*Ислом Каримов.*

## ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга йўналтирилган йўл белгилаб олинди. Бу йўналишнинг кўламини ва моҳиятини англаш учун собиқ Иттифоқдан, эски мустабид тузумдан бизга қандай сиёсий мерос қолганини эслаш зарур.

Ўзбекистон кейинги 130 йил давомида сиёсий қарамлик, мустамлакачилик зулмини бошдан кечирди. Халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқидан маҳрум этилган, ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилай олмас эди. Миллий давлатимиз инкор этилиб, халқнинг хоҳиш-иродасига қарши ӯлароқ, собиқ совет империясининг маъмурий-худудий қисмига айлантирилган эди. Халқ ўз юртбошисини танлаш, сайлашдан маҳрум эди, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар бошлиқлари, ҳатто вилоят раҳбарлари ҳам марказ томонидан тайинланарди. Бизга маъмурий буйруқбоз-

лик бошқарув усулига курилган, ўта мафкуралашган, халқни ювош, итоаткор оломон деб биладиган тоталитар тузум мерос булиб қолган эди.

Мустақиллик яратган имкониятлар шарофати билан мамлакатимизда инсон манфаатлари, тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилувчи эркин, очиқ ижтимоий-сиёсий тизим барпо этишни таъминловчи кенг қамровли демократик ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон миллий ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қурилишида халқаро тан олинган демократик тамойилларга, ривожланган демократик давлатлар тажрибасига ҳамда кўп минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихи ва ўзига хос миллий, маънавий, ахлоқий қадриятларга таянди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

**Хур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш — жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир. Қабул қилинган Конституциямиз асосий қонунимиз сифатида давлатни давлат қиласидиган, миллатни миллат қиласидиган қонунларга асос бўлиши муқаррар...** Бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафий тоғасидаги янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфиийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуги — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда „Фуқаро — жамият — давлат“ ўргасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик.

*Ислом Каримов.*

Вакиллик ҳокимиютини вужудга келтиришнинг энг демократик тизими — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиюти барпо этилди.

Давлат бошқарувининг янги, замонавий, самарали, энг мақбул тизими — Президентлик республика бошқаруви амал қилмоқда.

Парламентчилиқда демократик асослар яратилди, демократик давлатларга хос парламентаризм шаклланди.

Республика парламенти — Олий Мажлис 13 йил давомида давлатимизнинг асосий қомуси бўлган Конституцияга мувофиқ 500 га яқин қонун, 10 кодекс, 2 миллий дастур ва мингдан ортиқ

қарорлар қабул қилди. Үтган 13 йил давомида Олий Мажлис бир палатали парламент сифатида фаолият юритиб, катта тажриба тұплади. Парламент фаолияти учун энг зарур бүлган омил — юқори малакали сиёсатшunosлар, юристлар, иқтисодчилар корпусы шаклланды. Олий Мажлиснинг 2001 йил декабрда бүлган еттинчи сессиясида икки палатали парламент тузиш зарур, деган холосага келинди. 2002 йил 27 январда икки палатали парламент тузиш масаласида референдум үтказилди. Референдумда иштирок этган фуқароларнинг 93,65 фоизи икки палатали парламент тузишни ёқлаб овоз бердилар. 2002 йил апрелда бүлган Олий Мажлиснинг саккизинчи сессияси „Референдум якунлари ҳамда давлат җокимиюти ташкил этилишининг асосий принциплари тұғрисида“ Конституциявий қонун қабул қилды ва икки палатали парламент тузишга тайёргарлик бошлаб юборилди.

2002 йил 12—13 декабрь кунлари бўлиб үтган Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан „Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тұғрисида“ ва „Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тұғрисида“ Конституциявий қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган „Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзgartиришлар ва қўшимчалар киритиш тұғрисида“ти Қонунда ҳам икки палатали парламент тузишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Бундан кейин ҳам Ўзбекистон Республикасининг олий давлат вакиллик органи — парламентнинг номи Олий Мажлис деб аталаверади. Унинг таркибида икки палата тузилади. Юқори палата — Сенат, қуйи палата — Қонунчилик палатаси деб аталаади. Икки палатали парламент 2004 йилнинг декабрь ойида үтказиладиган сайловлар асосида шакллантирилади. Қуйи палатага сайлов округлари бўйича кўпартиявийлик асосида 120 та депутат сайланади. Сенат 100 та сенатордан иборат бўлади. Сенатга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳар биридан teng микдорда — 6 нафардан, жами 84 нафар сенатор сайланади. 16 нафар сенатор фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган, алоҳида хизмат кўрсатган энг обрули фуқаролар орасидан Ўзбе-

кистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Иккала палатанинг ваколат муддати — 5 йил этиб белгиланган.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими тубдан ислоҳ қилинди. Миллий давлатчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган кучли ижроия ҳокимияти — Вазирлар Маҳкамаси тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган „Судлар тўғрисида“ги Қонун асосида суд ислоҳотлари ўтказилди. Суд тизими беш йил муддатта сайланадиган Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди ва хўжалик суди, Тошкент шаҳар, вилоят, туман, шаҳар ва туманлараро жиноят ва фуқаролик судлари, вилоят хўжалик судларидан иборат.

„Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органлари ни қайта ташкил этиш тўғрисида“ги Қонунга мувофиқ вилоят, туман, шаҳарларда ҳокимликлар ташкил этилди. Ҳокимият қошида ижроия аппарати тузилди.

„Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида“ги Қонунга биноан шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳалла қўмиталари ташкил этилди.

Бугунги кунда тўққиз минг олти юз тўқсон фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари миллий анъаналарга мувофиқ мамлакат ижтимоий ҳаётида жуда катта ўрин тутмоқда.

Ўзбекистонда демократик жамиятта хос сайлов тизими барпо этилди.

Республикада 5 сиёсий партия (Халқ демократик партияси, „Фидокорлар“ миллий демократик партияси, „Адолат“ социал-демократик партияси, „Миллий тикланиш“ демократик партияси, Либерал демократик партия), „Халқ бирлиги“ ҳаракати, „Камолот“ ёшлар ижтимоий ҳаракати, касаба уюшмалари ва хотин-қизлар ташкилотлари, 300 республика ва халқаро ноҳукумат ташкилотлари, жамғармалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмаларини ўзида мужассамлаштирган ижтимоий-сиёсий тузум вужудга келди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлиснинг Ваколатли институти (Омбудсман) таъсис этилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ҳаракатдаги қонунчилик мониторинги институти халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда.

Демократик институтларнинг муҳим тармоги бўлган эркин оммавий ахборот воситалари (ОАВ) вужудга келди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда **609** та газета (1990 йилда — 311 та) нашр этилади.

Шундан 357 таси (1990 йилда — 300 та) давлат, 161 таси (1990 йилда — 11 та) жамоат, 42 таси (1990 йилда — 0) тижорат, 47 таси (1990 йилда — 0) хусусий, 2 таси (1990 йилда — 0) диний газеталар. **162** та журнал (1990 йилда — 65 та) нашр этилади. Шундан 100 таси (1990 йилда — 29 та) давлат, 45 таси (1990 йилда — 28 та) жамоат, 13 таси (1990 йилда — 0) тижорат, 4 таси (1990 йилда — 0) хусусий журналлар.

Республикада 3 та ахборот агентлиги, 50 дан ортиқ телерадиокомпаниялар ва студиялар ишлаб турибди. Ўзбекистон телевидениясининг кундалик курсатувлари ҳозирда 51,5 соатни ташкил этса, республика радиоси 100 соатлик эшилтириш олиб боради. Ўзбек ва рус тилларидан ташқари, мамлакатлардан республикамиизда берилётган эшилтиришлар 17 соатни ташкил этади.

Шундай қилиб, мустақилликнинг 13 йили давомида мамлакатимизда демократик фуқаролик жамият асослари яратилди.

Ислоҳотлар жараёнида республикада янги, демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди, деб хулоса чиқариш мумкин. Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосига қурилған бўлиб, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди.

*Ислом Каримов.*

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ „ЎЗБЕК МОДЕЛИ“

Мустақиллик шарофати билан халқимиз ўлқадаги беқиёс бойликтин абадул-абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Ўзбекистон бойликлари беқиёсdir, унинг экин майдонлари ва боғларида ҳосил мўл, у ер ости хазинасига бой мамлакатdir.

Ўзбекистонда 100 га яқин турдаги минерал хом ашёни ўзида мужассам этган фойдали қазилмаларнинг 2,7 минг конлари аниқланган. Мамлакатнинг умумий минерал хом ашё салоҳияти 3,3 триллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Республика конларидан ҳар йили 5,5 млрд. АҚШ долларига тенг фойдали қазилмалар қазиб олинмоқда. Олтин захиралари бўйича республика жаҳонда тўрттинчи ўринни, мис бўйича 10—11- ўринни эгаллаб туриди.

Ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий бойликлар, авлод-аждодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-қудрат ва имкониятлар миллий бойлик, одамлар фаровонлигининг кафолати, ижтимоий тараққиёт ва равнақнинг асоси бўлиб хизмат қиласди.

Ислом Каримов.

Президент Ислом Каримов мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки давридан миллий давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқди. Назарий ва амалий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган бу дастур яшаб турган фуқароларнинг тақдиринигина эмас, балки келажак авлодларнинг тақдирини ҳам ўйлаб тузилган бўлиб, ўша даврда ҳукмрон бўлган якка ҳокимлик тизимининг иллатларини тезроқ бартараф этиш, мамлакатимизни ривожланган маданиятли мамлакатлар дара-жасига чиқиб олишини таъминлашни кўзда тутган эди.

Тараққиётнинг „ўзбек модели“ қуйидаги тамойилларга асосланади:

1. Иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланиши.
2. Давлат бош ислоҳотчи, иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори.
3. Қонун устуворлиги, қонун олдида ҳамманинг бараварлиги ва ҳамманинг қонунга бўйсуниши.
4. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялашнинг устуворлиги.
5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ва изчил равншда ўтиш, яъни ислоҳотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш.

Бу йўл, ҳақиқатан ҳам, Президент номи билан жаҳонга танилган тараққиётнинг „ӯзбек модели“ эди ва у мавжуд бўлган моделларнинг бирортасини такрорламаган ҳолда, ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатидан бутунлай янги тараққиёт йўналиши бўлиб, у қуидагиларга:

— бозор иқтисодиёти ва демократия тамойиллари асосла-  
надиган жамиятни барпо этишга;

— СССР парчалангандан кейинги Ўзбекистон иқтисодиё-  
тининг ҳақиқий ҳолатига, мавжуд шарт-шароит ва имконият-  
ларга;

— халқнинг менталитети ва тарихий анъаналарига, исло-  
ҳотларни амалга оширишнинг у ёки бу суръатлари аҳолининг  
тайёрлик даражасига асосланади.

Бу тамойиллар асосида мамлакатимизда ислоҳотлар амалга оширилиб борилди. Улар халқимиз томонидан тўла қувватлан-  
ди, янги жамият куриш сари ташланган биринчи қадамлар йўли-  
да энг тўғри йўл эканлигини кўрсатди. Аммо ҳаёт тўхтаб қол-  
майди, шароит ўзгаради, вазият бошқача бўлади, мавжуд қад-  
риятлар ўрнига бошқаси келади. Бундай ҳол фақат республика-  
мизда эмас, балки бутун дунё миқёсида содир бўлмоқда.

Ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаси мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида юз берадиган ислоҳотлар-  
ни янги погонага кўтаришдан иборатdir. Бунда ворисликни ва узвий кетма-кетликни сақлаб қолиш катта аҳамиятга эга. Шу  
муносабат билан мамлакатимиз Президентининг 2002 йил ав-  
густда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида демократик  
ўзгаришларни янада чукурлаштиришнинг асосий йўналишлари  
ва Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шаклланти-  
ришнинг қуидаги етти устувор йўналишлари тўғрисидаги  
кўрсатмалари муҳим аҳамият касб этмоқда:

1. Мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя  
қилиш ва мустаҳкамлаш.

2. Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давла-  
тимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сар-ҳадларимиз дахлсизли-  
гини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъ-  
минлаш.

3. Бозор ислоҳотларини янада чукурлаштириш, кучли бо-  
зор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб,

мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш.

4. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қофозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш.

5. Жамият ҳаётида нодавлат жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кўтариш, „Кучли давлатдан кучли жамият сари“ — деган тамойилни ҳаётга жорий этиш.

6. Суд-хуқуқ соҳасини ислоҳ қилишни давом эттириш, суд-хуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш.

7. Барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезони эканлигини назарда тутиш. Бу устувор йўналишнинг марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятларнинг туриши.

Ислоҳотлар ва иқтисодий тараққиётнинг бош мезони, Президент таъкидлаганидек, ислоҳот — ислоҳот учун эмас, балки ислоҳот — инсон учун, мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ва турмуш даражасини кўтаришга қаратилганлигидадир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши, деб белгиланди. Бу борада 20 дан ортиқ маҳсус дастурлар ишлаб чиқилди ва уларни амалга оширишга давлат бошчилик қилди. 1991—1998 йилларда давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ квартиralарнинг 98 фоизи фуқароларнинг хусусий мулкига айлантирилди. Бунда ҳар 3 квартиранинг биттаси уруш фахрийлари, ўқитувчилар ва ижодкор зиёлиларга бепул берилди. Давлатга қарашли кичик корхоналар, маиший хизмат муассасалари, дўконлар хусусийлаштирилди.

1994 йилдан бошлаб ўрта ва йирик корхоналар акционерлик жамиятларига, ижара корхоналарига айлантирила бошланди, бу жараёнга аҳоли ва чет эллик инвесторлар кенг жалб қилинди. Давлат мулкини сотиш бўйича кимошди савдолари ва танловлар ташкил этилди. 2004 йил бошларида республикамизда 1800 та акционерлик жамиятлари фаолият юритди, 1 мил-

лиондан ортиқ фуқаро акцияларга эга, улардан тегишли даромад олмоқдалар.

Мустақиллик йилларида ўрта ва кичик бизнес ривожлантирилди. 2003 йил ўрталарида фаолият юритган кичик ва ўрта бизнес субъектлари 230 мингдан ошди. Ҳозирги кунда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуси 35 ғоизга етди. 5 миллиондан ортиқ киши кичик ва ўрта бизнес секторида иш билан банддир.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида чуқур иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Дастлаб совхоз ва колхозлар ўрнида ширкат хўжаликлари тузилди. 2002 йилнинг ўрталарига келиб 1900 та ширкат хўжалиги фаолият юритди, уларда 1,4 млн. киши ширкат аъзоси сифатида меҳнат қилди. Шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. 2002 йил ўрталарида республикамизда 55,4 минг фермер хўжалиги, 1,5 млн. дан ортиқ деҳқон хўжалиги тадбиркорлик билан шугууланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 марта „Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида“ ги Фармонида аграр ислоҳотларнинг янги йўналишлари белгилаб берилди. Қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчилар эркинлиги, мустақиллиги янада кучайди. Фермер ва деҳқон хўжаликлари учун имтиёзлар берилди. Айрим ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Республикашимизнинг 11 та туманида ширкат хўжаликлари тулиқ тугатилди. 2004 йил 1 январь ҳолатига кўра, фермер хўжаликлари сони 87500 тага етди. Ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжалиги ташкил этилган туманларда пахта, ғалла ҳосилдорлиги 4 центнер даражасида ўсади, бошқарув аппаратидаги ходимлар сони қисқарди, ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи камайди.

Аграр ислоҳотлар жараённида деҳқон хўжаликларининг саломоги ҳам ошиб борди.

2004 йил бошларига келиб мамлакатимизда 3,5 млн. га яқин деҳқон хўжаликлари юридик ва жисмоний шахс мақомида фаолият юритди, уларда 8 млн дан ортиқ ишга яроқли кишилар меҳнат қилмоқда. Деҳқон хўжаликларининг ер майдони 667 минг гектарни ташкил этади. Ҳозирги кунда деҳқон хўжалик-

лари мамлакатимизда етиширилаётган қишлоқ хұжалиги маҳсулотларининг 66 фоизини, шу жумладан, картошканинг 89 фоизини, чорвачилик маҳсулотларининг 89 фоизини, мева ва узумнинг 45—50 фоизини ишлаб чиқармоқдалар. Деңқон хұжаликларининг ерлардан фойдаланиш самараси фермер ва ширкат хұжаликларига нисбатан 1,3—1,5 маротаба юқори бўлмоқда. Юқорида келтирилган мисоллар агар ислоҳотлар соҳасида биз танлаган йўл истиқболли эканлигини исботламоқда.

Мустақилликнинг 13 йиллиги давомида иқтисодий ислоҳотларнинг самарали амалга оширилганлигини күрсатувчи қуидаги рақамларга мурожаат қиласайлик:

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (**ЯИМ**)нинг ўсиши таъминланди. **ЯИМ** олдинги йилга нисбатан 1996 йилда **101,7**, 1997 йидда **105,2**, 1998 йилда **104,4**, 1999 йилда **104,4**, 2000 йилда **104**, 2001 йилда **104,5** фоизга ўсади. Ўзбекистон 2001 йилда МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб **ЯИМ** ишлаб чиқариш бўйича нафақат 1990 йилги даражага чиқиб олди, балки **103** фоиз ўсишга ҳам эришди. 2002—2003 йилларда **ЯИМ** ҳар йили **4** фоиздан ортиқ даражада ўсади.

1996 йилдан бошлаб Ўзбекистон саноати йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Олдинги йилга нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1997 йилда **106,5**, 1998 йилда **105,8**, 1999 йилда **106,1**, 2000 йилда **106,4**, 2001 йилда **104,5**, 2002 йилда **108,1**, 2003 йилда **108,4** фоизга кўпайди.


Республикамизда экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи тизим яратилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатга олиниши билан ўз-ўзидан ташки иқтисодий фаолиятнинг иштирокчиларига айланадилар. Бугунга келиб биз турли асбоб-ускуналар, озиқ-овқат моллари, ип-газлама, автомобилларни экспорт қылмоқдамиз. Экспортни кенгайтириш бевосита экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўпайтиришга, унда маҳаллий ҳом ашёдан кенг фойдаланишга боғлиқ. Бунга мисол қилиб пахта толасини қайта ишлашни олиш мумкин. Агар мамлакатимизда пахта толасидан ип-газлама ва тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1990 йилда 12 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда у 30 фоизга етди.

Республикада истеъмол буюллари ишлаб чиқариш сезиларли даражада ошиди. Натижада республика импортида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши мустақилликнинг дастлабки йилларидаги **73,8** фоиздан **15** фоизга камайди.

1994—2003 йилларда иқтисодга жалб этилган инвестициялар **28,4** млрд. АҚШ долларини ташкил этди, уларнинг **50** фоизига яқинини чет эл инвестициялари ва кредитлари ташкил этади.

1991—2003 йилларда чет эл инвестициялари иштирокида **2000** та корхона ва бошқа ишлаб чиқариш муассасалари қурилди, маҳсулотларнинг 9,5 мингдан ортиқ янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Мамлакатда ғалла ва нефть мустақиллигига эришилди (*1-, 2- расмларга қаранг*).

**Ғалла ишлаб чиқариш (минг тонна ҳисобида)**




1- расм.

Саноатнинг автомобилсозлик, микробиология, целлюлоза-қоғоз, қанд, фармацевтика ва бошқа янги тармоқлари юзага келди. Улар мамлакатимиз иқтисодини ривожлантиришида катта ўрин тутмоқда. Масалан, мустақил тараққиётнинг 5-йилида ёк Ўзбекистон жаҳоннинг 28 автомобиль ишлаб чиқарадиган мамлакатлари қаторидан жой олди. 1996 йилда Асака шаҳрида

Хозирги замон автомобиль заводи Жанубий Кореяning машхур корхонаси билан ҳамкорликда ишга туширилди. „ҮзДЭУавто“ беш йил давомида (1996—2001 йил) 250 минг автомобиль ишлаб чиқарди. Хозирги кунда ҳар йили 70 мингта яқин автомобиль ишлаб чиқармоқда. Ёки бошқа мисол. Фармацевтика саноати 1994 йилда ахолининг дори-дармонга эҳтиёжини республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига бор-йўги 4,5 фоизга қондирган бўлса, хозирги вақтда бу кўрсаткич 30 фоизга этиб қолди. Охирги 10 йилда 200 турдаги янги дори-дармон ва тиббиёт маҳсулотлари ўзлаштирилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

2003 йил ўрталарига келиб чет эл сармоядорлари иштирокида барпо этилган 2000 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият юритди. Бугунги кунда мамлакатимизда умумий қиймати 3,6 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги 109 та устувор инвестицион лойиҳа амалга оширилмоқда.

### Нефть ва газ конденсати ишлаб чиқариш (минг тонна ҳисобида)




Жаҳоннинг етакчи фирмалари ҳаво кемалари билан таъминланган „Ўзбекистон ҳаво йўллари“ авиакомпанияси дунёнинг 25 мамлакати билан ҳаво алоқаларини ўрнатган, у мустақиллик йилларида 25 миллиондан кўп йўловчига хизмат қилди.

2003 йилда иқтисодиёт соҳасида банд бўлганларнинг умумий миқдоридан 76,6 фоизи, ялпи ички маҳсулотнинг 73,3 фоизи, саноат маҳсулотининг 71,1 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етишириувчиларнинг 99 фоизи нодавлат сектор улущига тўғри келди. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, хусусий тармоқни жадал ривожлантириш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Ўзбекистонда хусусий секторнинг улуши ЯИМда 35 фоизни, аҳолини иш билан таъминлашда атиги 30 фоизни ташкил этди. Ривожланган мамлакатларда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 50—60, 65—70 фоизни ташкил этади.

Янги банк, молия, солиқ тизимлари, хом ашё биржалари жамғармалари тизими, сугурта, аудит, лизинг компаниялари ва бошقا тузилмалар вужудга келтирилди.

#### **Чет эл сармоялари киритилиши ва чет эл сармоялари иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сонининг ўсиши**



- Чет эл сармояларининг киритилиши (млн. АҚШ доллари).
- Чет эл сармоялари иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони.

3- расм.

Республикада Марказий Осиёдаги энг йирик биржасы маркази фаолият күрсатмоқда. У замонавий компьютер техникаси ва телевизор тизими билан жиҳозланган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бошлаб ҳар йилни маълум мақсадларга мўлжаллаб „Инсон манфаати йили“, „Оила йили“, „Аёллар йили“, „Софлом авлод йили“, „Оналар ва болалар йили“, „Қарияларни қадрлаш йили“, „Обод маҳалла йили“, „Мехр ва муруват йили“ деб эълон қилиниб, уларнинг ҳар бирига давлатимиз томонидан ажратилган катта маблағлар сарфланган лойиҳасини амалга ошириб борилаётганинг ўзи юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Республикада аҳолига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ривожланган тизими бунёд этилди. Мустақиллик йилларида амбулатория-поликлиника муассасаларининг сони 3 мингдан 4,8 минггacha ёки 1,6 баравар ортди. Қишлоқ жойларда 1600 га яқин врачлик пунктлари очилди.

Аҳолига 81,5 мингдан ортиқ шифокорлар турли ихтисосликлар бўйича малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Ўзбекистонда бир шифокорга ўрта ҳисобда 300 га яқин киши тўгри келади, бу кўрсаткич кўпгина мамлакатларга нисбатан анча юқоридир.

Етим болалар ва фарзандсиз оиласар тўғрисида гамхўрлик „Киндердорф“ — „Болалар маҳаллалари“ Австрия лойиҳасининг Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилишида ҳам намоён бўлмоқда. Бу ерда ота-онасиз — етим болалар ва фарзандсиз оиласарнинг кўпчилиги ўй-жойли ва бус-бутун оила бўлиб яшаш баҳтига муяссар бўлмоқда.

Ўзбекистонда ахборот ва коммуникация технологиялари, телекоммуникация соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилди. Мамлакатимизнинг исталған нуқтасида тезкор ва ишончли телефон алоқасини таъминлайдиган кўп тармоқли коммуникация алоқа тизими ташкил этилди. 2003 йилда республика шахарларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси 86 фоизга етди.

Мустақиллик шароғати билан Ўзбекистонда миллий ахборот тизимини шакллантириш, ахборот технологияларини иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўллаш ва халқаро ахборот жамиятига кириш учун пухта замин яратилди. Ахборот-

лаштириш миллий тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги „Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш түғрисида“ги Фармонига мувофиқ амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз халқаро INTERNET тизимиға кенг миқёсда уланди ва аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш амалга оширилди. Биргина 2003 йилда INTERNETдан фойдаланувчилар сони қарийб икки баравар кўпайди ва мамлакатимизнинг ярим миллиондан ортиқ аҳолиси ахборот хизматининг муҳим тури ҳисобланадиган — INTERNETдан фойдаланди. Шаҳар ва туман марказларида INTERNET — клублар, INTERNET — кафелар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Халқаро INTERNETда Ўзбекистонни жаҳонга ҳар томонлама намоён этувчи миллий ахборот сегменти тобора ортиб бормоқда, 2004 йил апрель ойида „uz“ ҳудудида рўйхатта олинган WEB сайtlар сони 2600 тага етди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг WEB — сайти ([WWW.press-service.uz](http://WWW.press-service.uz)) INTERNET тармоғида машҳур бўлиб кетди. Бугунги кунда INTERNETдан фойдаланувчилар Ислом Каримовнинг 11 жилдли асарлар тўплами электрон нусхаси билан ўзбек, рус ва инглиз тилларида танишиш имкониятига эгадирлар. Унда давлатимиз раҳбарининг фаолияти, республикамизнинг ички ва ташқи сиёсати мунтазам ёритиб борилмоқда. Сайтдан фойдаланувчилар географияси жаҳондаги 80 дан ортиқ мамлакатни қамраб олади.

## МАЊНАВИЙ-МАДАНИЙ ЎКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Жамият мањнавияти мамлакат барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим шарти ва кафолатидир. Бирон-бир мамлакат ўз мањнавий имкониятларини, одамлар онгидаги мањнавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантируй, халқнинг миллий руҳини уйғотмай ва мустаҳкамламай туриб юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайди. Мањнавият инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган курдатли ботиний кучdir. Шунинг учун

ҳам мустақилликнинг дастлабки қунлариданоқ, жамият маънавиятини юксалтириш Ватанимиз тараққиётининг устувор йўналиши, деб белгиланди.

**Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо маънавий ислоҳотлар — қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда!**

*Ислом Каримов.*

Жамият маънавиятини юксалтиришда тарихий хотира, аждодлар тарихини билиш, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. Бирон-бир ҳалқ ўз тарихини билмай, асрлар оша яратилган маънавий меросга таянмай ва уни янада ривожлантирмай туриб, ўз келажагини тасаввур эта олмайди. Шу боисдан мустабид тузум даврида сохталаштирилган ҳалқимиз тарихи юртбoshимиз Ислом Каримов ташаббуси билан чуқур таҳлил этилди, холисона, ҳаққоний ёритилди, бунга тааллуқли бир қатор адабиётлар нашр этилди.

Мустақиллик йилларида бой меросимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Миллий маданиятишимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига буюк ҳисса қўшган бобокалонларимизнинг маънавий мероси ҳалқимизга қайтарилди, таваллуд топган қунлари бутун мамлакат ва ҳалқаро миқёсда нишонланди.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қўйидаги буюк алломалар, давлат арбоблари, мутафаккирлар ва шоирларимизнинг юбилейлари нишонланди:

**1991 й. — Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги.**

**1994 й. — Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллиги.**

**1996 й. — Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги.**

**1997 й. — Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги.**

**1998 й. — Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги.**

**1998 й. — Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги.**

**1999 й. — Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги.**

**1999 й.** — „Алпомиш“ эпосининг 1000 йиллиги.

**2000 й.** — Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги.

**2000 й.** — И мом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги.

**2000 й.** — Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги.

**2001 й.** — „Авесто“ яратилганининг 2700 йиллиги.

**2002 й.** — Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги.

**2002 й.** — Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги.

**2003 й.** — Абдуҳолиқ Фиждувоний таваллудининг 900 йиллиги.

Мустақиллик йилларида буюк шахсларнинг хотираасига бағишилаб барпо этилган ёдгорликлар мажмуилари жамият маънавиятини юксалтиришга, миллий онг ва миллий гуурни кўтаришга ҳамда ҳалқимиз, айниқса, ёшлар онгидаги мустақиллик мафқурасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Кўплаб Шарқ алломаларининг ўнлаб нодир ва ноёб асарлари ўзбек, инглиз, француз, немис, япон ва бошқа хорижий тилларда нашр этилди, буларга: И мом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Ҳаким ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, И мом ал-Мотуридий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод, Шарафитдин Али Яздий, Ан-Насавий ва бошқаларни киритиш мумкин.

ЮНЕСКО ҳомийлигига Шарқ маданияти, санъати ва тарихига багишиланган лазер дисклари чиқарилди.

Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган Абдулла Қодирий, Ҷўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва бошқа ҳалқ жигарбандларининг номи, иззат-икроми, ҳурмати ўз жойига қўйилди. Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда мустамлакачилик даври қурbonлари хотираасини абадийлаштириш мақсадида „Шаҳидлар хотираси“ ёдгорлик мажмуи, фашизмга қарши Ватан озодлиги учун жон фидо этган ҳалқимизнинг фарзандлари хотираасини абадийлаштириш мақсадида „Хотира майдони“ барпо этилди.

Мустақиллик шарофати билан диний қадриятлар, диний эътиқод қайта тикланди. Республикада 17 диний конфессия рўйхатга олинган ва расман фаолият кўрсатмоқда, 170 дан ортиқ диний ташкилотлар ишлаб турибди ва уларда Ўзбекистонда яшовчи 130 миллат ва элат вакиллари ўзларининг диний эҳтиёжларини қондирмоқдалар. 1,7 мингдан ортиқ масжидлар, хрис-

тиан ибодатхоналари, синагоглар ва бошқа диний марказлар таъмирланди ва янгидан қурилди, **10** диний таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда, Тошкент Ислом университети очилди. Рамазон ҳайити, Курбон ҳайити, қадимий ҳалқ байрами – **Наврӯз** қайта тикланди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳалқи биринчи марта бевосита ҳукумат ҳомийлигига ҳаж ва умра амалларини адо этиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон ҳудудида ҳалқнинг улугвор ва шонли тарихига оид **2000** дан ортиқ ёдгорликлар таъмирланди.

Ҳозирги вақтда республикада **70** музей, **37** театр, **2500** кинотеатр, **3000** дан ортиқ кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон консерваториясининг ҳашаматли янги биноси бунёд этилди, Ўзбекистон Миллий драма театрининг биноси бутунлай қайта таъмирланди ва янгиланди.

Узоқ асрлар қаъридан чиқиб келаётган инсонпарвар урфодатлар ва анъаналар, маданий қадриятлар эҳтиётлаб асралмоқда ва бойитилмоқда. Мақомчилар, тўй-маросим қўшиқлари, шоир-бахшилар ва фольклор-этнографик дасталарнинг ўнлаб кўрик-танловлари ўtkазилди. Шу билан бир қаторда, пианиночи ва скрипкачиларнинг симфоник ва камер мусиқалари, замонавий эстрада гуруҳларининг фестивал ва танловлари бўлиб ўтмоқда.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг ҳалқ ва давлат турмушидаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди, унинг равнақи, қўлла-нилиши ва муҳофазаси давлат томонидан таъминланиши белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тиллари, қадр-қиммати ҳам ўз ўрнига қўйилган.

Мустақиллик йилларида республикада оммавий-жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида улкан ўзгаришлар юз берди. Масалан:

— Ўзбекистоннинг спорт мажмую **46** мингдан ортиқ турли иншоотлардан, шу жумладан, ўйингоҳлар, спорт заллари, майдонлар ва ҳоказолардан иборат;

— бадантарбия ва спорт билан **7** млн.га яқин одам шугулланади;

— мустақиллик йилларида Ўзбекистон спортчилари олимпиадалар, Осиё ўйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатлари ва бошқа ҳалқаро мусобақаларда **3000** дан ортиқ олтин, кумуш ва

бронза нишонларини қўлга киритдилар. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, бокс бўйича жаҳон чемпионлари Муҳаммадқодир Абдуллаев, Артур Григорян, кураш бўйича жаҳон чемпионлари Акобир полвон, Камол полвон, Тоштемир полвон ва тенис бўйича халқаро турнир голиби Ирода Тўланова каби спортчилар ўзбек халқининг ифтихоридир.

## БАРКАМОЛ АВЛОД – КЕЛАЖАГИМИЗ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таълими тубдан ислоҳ қилиш йўллари ишлаб чиқилди. 1997 йил 29 августда Олий Мажлиснинг IX сессиясида Узбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида“ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Миллий дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мағкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий моделини яратишдан иборатдир.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида босқичма-босқич ўтказиляётган ислоҳотларга монанд равишда таълим соҳасида чукур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2001 йилда Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичи якунланди.

Мактабгача таълим фаолияти тубдан ўзгарди. Болаларни мактабга тайёрлаш дастурнига биноан беш мингга яқин мактабгача таълим муассасалари ҳукумат қарори билан таълим тизими тасарруфига ўтказилди. Хусусий ва хонадон боғчалар тармоғи кенгайди. Мактабгача ёшдаги болаларнинг 84 фоизи мактабгача таълим муассасаларида, ҳўжалик ҳисобидаги гуруҳларда, мактаблар қошидаги тайёрлов гуруҳларида, 16 фоизи эса оиласларда мактабга тайёрланмоқда. 2002—2003 йилларда республика мизда 6842 та мактабгача таълим муассасаларида 608500 нафар ўғил-қизлар тарбияланди.

Умумтаълим мактабларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳукуқий жиҳатдан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилди. Давлат таълим стандартлари, янги авлод дарсликлари яратилиб,

таълим жараёнiga жорий этилди. Ҳар йили 600 минг нафардан зиёд биринчи синф ўқувчилари Президент совғаси сифатида ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминланмоқда. Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан „Мактаб кутубхона жамгармаси“ ташкил этилди. Биргина 2002 йилда давлат бюджетидан „Мактаб кутубхона жамгармаси“га 6520 млн.сүм ажратилди. Шу ютуқлар билан бирга, Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил 7 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг йигилишида қилган маърузасида таъкидланганидек, умумтаълим мактабларининг бугунги ҳолати ва биринчи навбатда уларнинг моддий базаси бизни мутлақо қониқтиримайди. 6 миллион 200 минг нафар ўқувчилар таълим олаётган 9727 мактабнинг 40 фоизи ўқув стандартлари талабларига жавоб бермайдиган мослаштирилган биноларда жойлашганлиги, мактабларнинг кўп қисми замонавий компьютер техникаси билан таъминланмаганлиги кўрсатилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йил 19 февралдаги „2004—2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Фармойишига биноан тузилган Махсус комиссия томонидан 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва 2004 йил 9 июлядаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги қарори билан тасдиқланди.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида 2004—2009 йилларда бузиб ташланадиган умумтаълим мактаблари ўрнига янги мактаблар қуриш, уларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг асосий принциплари белгиланди. Шунингдек, дастурда умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар, педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш тадбирлари аниқ белгилаб берилди.

Бюджет маблағлари, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, хорижий кредитлар ва грантлар мактаб таълимини ри-вожлантириш Давлат умуммиллий дастурини молиялашнинг асосий манбалари этиб белгиланди. Ушбу маблағларни жамлаш, улардан мақсадли фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари маҳсус Мактаб таълими жамғармаси ташкил этилди.

Президент Ислом Каримов раҳбарлигига умумтаълим мактабларимиз аҳволини тубдан ўзгартиришга қаратилган хайрли саъи-ҳаракатлар тез орада юксак самара беришига шак-шубҳа йўқ.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг энг муҳим Ўзбекистонга хос хусусияти янги турдаги З йиллик ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимини яратишдан иборат вазифа событқадамлик билан амалга оширилмоқда. 1998—2004 йиллар мобайнода замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган **531** та касб-хунар коллежи, **59** та академик лицей барпо этилди, янги таълим стандартлари яратилди ва ўқув жараженига жорий этилди.

Агар 1990 йилда давлат бюджетининг умумий сарфидан таълим ва фан учун ажратилган маблағ инвестиция билан бирга **21,1** фоизни ташкил этган бўлса, 2003 йилда **35** фоиздан ошиб кетди. Шу билан бирга, бу мақсадлар учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳам кенг кўламда жалб этилмоқда.

Ўрта маҳсус ўқув юртларига зарур бўлган жиҳозлар сотиб олиш учун жалб қилинган чет эл инвестицияларининг миқдори **150** млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати событқадамлик билан олиб борилмоқда. Истеъодли ёшларни моддий ва маънавий рагбатлантириш, чет элда ўқишини қўллаб-қувватлаш мақсадида „Истеъод“, „Республика болалар фонди“, „Соғлом авлод учун“ ва бошқа жамғармалар ташкил этилган. **2000** дан ортиқ талаба ва мутахассислар чет элда ўқиб келди. Таълим соҳасида АКСЕЛС, АЙРЕКС, АҚШ коллажлари консорциуми, CAPE, Тинчлик корпуси (АҚШ), Конрад Аденау-

эр фонди, Британия кенгаши, САУД Ал-Баптин фонди (Миср) каби ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

**Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда гайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатимизнинг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкин.**

*Ислом Каримов.*

Республикада **62** та олий ўқув юрти, жумладан, **16** та университет фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда 2002 йил июлда Ҳалқаро Вестминстер университети очилди ва **160** нафар дастлабки талабалар қабул қилинди.

## ВАТАН ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ТАЪМИЛНИШИ

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ватан хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ҳудудий бутунликни сақлаш давлатимизнинг диққат-эътиборидадир. Шу давр мобайнода миллий хавфсизлик концепцияси ишлаб чиқилди, 1996 йил 24 апрелда „Миллий хавфсизлик тўғрисида“ Конун қабул қилинди.

Миллий хавфсизлик, аввало, мамлакатнинг мудофаа қобилиятига боғлиқ. Шу боисдан мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. 1991 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тузилди. Ўзбекистон Парламентининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган „Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва қўшинларни ўз тасарруфига олиш тўғрисида“ги қарори асосида Ўзбекистоннинг ўз Куролли Кучлари ташкил этилди. 14 январь Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Куролли Кучлари қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, махсус ва муҳандислик-қурилиш қўшинлари ҳамда Миллий гвардиядан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ, Президент мамлакат Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади.

Ўзбекистонда юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Тошкент умумқўшин командирлари, Самарқанд автомобилчи командир-муҳандислар, Чирчик танкчи командир-муҳандислар, Жиззах авиация олий ҳарбий билим юртлари, Тошкент ахборот технологиялари университетида ташкил этилган маҳсус факултет Қуролли Кучлар сафларига тури мутахассисликлар бўйича юқори малакали командирлар тайёрлаб бермоқда.

Тошкентда олий қўмондонлар тайёрловчи Ҳарбий Академия фаолият кўрсатмоқда. Ҳарбий Академия замонавий ҳарбий билимларни эгаллаган, Шарқ саркардаларининг, аввало, Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий санъатини, жаҳон ҳарбий илми ва жанговар тайёргарлигининг илғор тажрибаларини ўзлаштирган олий қўмондонларни тайёрлаб чиқармоқда. Ўзбекистонда миқдор жиҳатдан унча катта бўлмаган, лекин замонавий қуроллар билан қуролланган профессионал армия тузиш учун ҳарбий ислоҳотлар ўтказилмоқда.

**Ҳарбий курилиш соҳасидаги мақсад профессионал армияни, ўз таркибида яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз халқига, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шаъни ва қадр қимматини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни босқичма-босқич вужудга келтиришдан иборат бўлиши лозим. Мақсад:** миқдор жиҳатдан унча катта бўлмаган, лекин яхши шайланган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму кўст қуролланган, Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда ва пухта таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучларни шакллантиришдир.

*Ислом Каримов.*

Мустақиллик йилларида Қуролли Кучларимизни замонавий ҳарбий техникалар, қурол-аслаҳалар билан таъминлаш даржаси тобора ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон 1995 йил июль ойида НАТОнинг „Тинчлик йўлида ҳамкорлик“ дастурига қўшилди. Бу дастур томонидан

АҚШда, Қозоғистон ва Ўзбекистонда уюштирилган ҳарбий машқуларда Ўзбекистон ҳарбий қисмларининг иштироки зобит ва аскарларнинг ҳарбий-техник тайёргарлигини янада күтаришга хизмат қилмоқда:

— Шимолий Каролина (АҚШ)даги Кемп Лежён денгиз пиёдалари полигонида ўзбекистонлик аскарлар НАТОнинг „Тинчлик йўлида ҳамкорлик“ дастурида 16 иштирокчи мамлакат армиялари вакиллари ҳамкорлигидаги машқуларда қатнашдилар;

— ўзбекистонлик десантчилар Ўзбекистон ҳудудида америкаликлар билан ҳамкорликда ўтказилган „Ультрабаланс — 96“ тажриба машқуларида юксак маҳоратларини намойиш этдилар;

— Тошкент, Чирчиқ, Самарқанд ҳарбий билим юртлари курсантларининг терма взводи 1997 йил май-июнъ ойларида Норвегияда ўтказилган „Кооператив банкерс — 97“ машқуларида қатнашди;

— Луизиана штатидаги Форт Полк ҳарбий базасида 1997 йил июнъ-июль ойларида ўзбекистонлик аскарлар иштирокида „Кооператив банкерс — 97“ ҳамкорлик машқулари бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда жиноят қонунчилигининг изчил тизими яратилди, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар аниқ ва пухта фаолият юритмоқдалар. Улар кечаю кундуз фуқароларнинг молмулки, ҳаёти, соғлиги, иззат-обрўси ва қадр-қимматини ҳимоя қилмоқдалар.

Ҳеч қандай ёвуз экстремистлар Ўзбекистонни ўзи танлаган йўлидан қайтаролмайди. Бунинг гарови ҳалқимизнинг огоҳлиги, мамлакатимизнинг мудофаа салоҳияти ва мустаҳкам Қуролли Кучларидир.

Ҳалқаро терроризмга, диний ва сиёсий экстремизмга қарши курашни ташкил этиш бўйича жаҳон ҳамжамияти томонидан ўтказилаётган нуфузли йигилишларда Ўзбекистон фаол қатнашмоқда, ўзининг самарали таклифларини илгари сурмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йил ноябрь ойида Истанбулда бўлган саммитида террорчиликка қарши давлатлараро миқёсдаги курашни мувофиқлаштирувчи ҳалқаро марказ тузиш ҳақида таклифни илгари сурди. Ўзбекистон ташаббуси билан терроризмга қарши бир қатор давлатлар уюша бошлади.



**Экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва халқаро террорга қарши ялпи кураш олиб борилмас экан, мақсадга эришиб бўлмайди. Айниқса, якка-ёлғиз, тарқоқ ҳолда ва ноизчил усуллар билан кураш олиб бориш истиқболсиз экани тобора равшанлашмоқда.**

*Ислом Каримов.*

2000 йил 20—21 апрель кунлари Тошкентда Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти давлатларо кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентлари минтақавий хавфсизлик ва мамлакатларо муносабатларга доир масалаларни муҳокама қилдилар. Тўрт давлат бошлиқлари „Террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисида шартнома“ имзоладилар. Бундай шартноманинг имзоланиши Марказий Осиёдаги бугунги вазиятдан келиб чиқсан муҳим ва оқилона қадам бўлди.

2000 йил 21 июнда Москвада бўлиб ўтган МДҲ давлат бошлиқларининг саммитида террорчиликка қарши кураш марказини тузишга қарор қилинди.

2001 йил 11 сентябрь куни халқаро террористик кучларнинг АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этган мудҳиш ҳужумларидан кейин дунёдаги етакчи давлатлар АҚШ бошлигигида бу ёвуз душманга қарши кенг миқёсда курашга киришдилар. Ўзбекистон АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатларини қоралади ва АҚШ бошлигигида ташкил этилган аксилтеррор коалицияни қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон Афғонистон ҳудудини „Толибон“ кучларидан озод этиш, терроризм балосини таг-томири билан қўпориб ташлаш мақсадида ўз авиа базаларидан бирини АҚШ Қуролли кучларининг чекланган контингентига берди. Афғонистондаги аксилтеррор операциянинг биринчи босқичида „Толибон“ ва „Ал-Қоида“ кучларига зарба берилди.

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлариданоқ, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш йўлини танлади. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг асарлари, маъруза ва нутқларида ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий тамойилларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослаб берди. Ташқи сиёсатда тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди.

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати уни жаҳонда мустақил давлат сифатида тезда тан олинишини таъминлади. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини дунёдаги барча нуфузли давлатлар тан олди, уларнинг 120 таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикасининг „Ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий принциплари тўғрисида“, „Чет эл инвесторлари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида“, „Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида“ги Қонунлари унинг халқаро майдонда фаол ва кенг кўламли ҳамкорлик қилиши учун ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

1992 йилнинг 2 март куни Ўзбекистон Республикаси ўзининг хоҳиш-иродаси ва таклифига қўра энг нуфузли халқаро ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди ва шу куни БМТнинг Нью-Йоркдаги биноси олдида мустақил Ўзбекистон Республикасининг байроги кутарилди. 1993 йилда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўлиқ, teng ҳуқуқли аъзоси сифатида БМТ фаолиятида иштирок этмоқда.

1992 йилнинг февраль ойида республикамиз Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)га кирди. Ўзбекистон 105 мамлакатни ўзида бирлаштирган Қўшилмаслик ҳаракати аъзосига айланди. 1992 йилнинг октябрь ойида эса дунёнинг энг кекса ташкилотларидан бўлган Парламентлараро иттифоқ-

нинг аъзоси сифатида тан олинди. Ўзбекистон 1999 йилда ГУУ-АМ халқаро ташкилотига, 2001 йил июнда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистон қўпгина миңтақавий ташкилотлар, Европа Иттифоқи, ЭКО билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Ватанимиз, шунингдек, Халқаро валюта фонди, Бутунжаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ), Осиё ва Тинч океан мамлакатлари учун БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий комиссиясига аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистоннинг БМТ ҳомийлигидаги таълим, фан ва маданият билан шуғулланувчи халқаро ташкилот — ЮНЕСКО билан алоқалари кенгайиб бормоқда. 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКО га аъзоликка қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. 1994 йил октябрда Парижда ватандошимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлиган Улуғбек ҳафталиги тантанаси бўлиб ўтди. 1996 йилда Парижда Амир Темурга бағишлиган маданият ҳафталиги, „Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши“ мавзусида халқаро конференция ва қўргазмалар бўлиб ўтди. 1997 йилда жаҳон маданиятининг дурдоналари ҳисобланган қадимий Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик муборак саналари Парижда кенг нишонланди, халқаро анжуман ва қўргазмалар ўтказилди.

**Шанхай ҳамкорлик ташкилоти.** 1996 йилда Шанхайдаги, 1997 йилда Москвада бўлиб ўтган Хитой, Россия, Қозогистон, Қирғизистон ва Тоҷикистон давлат раҳбарларининг саммитида ҳарбии соҳада ҳамда чегара ҳудудларида узаро ишончни мустаҳкамлаш, қуролли кучларни қисқартириш тўғрисида шартномалар имзоланди. Шу тариқа „Шанхай форуми“ ёки „Шанхай бешлиги“ ташкилоти тузилган эди.

2001 йил 14—15 июнь кунлари Хитоидаги навбатдаги Шанхай саммити бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва Ўзбекистоннинг „Шанхай форуми“га тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисида баёнот имзоланди.

Ўзбекистон Президентининг таклифи билан „Шанхай форуми“ номи Шанхай ҳамкорлик ташкилоти — ШҲТ деб ўзгарилилди. Ўзбекистон унинг асосчиларидан бири бўлди.

2001 йил июнда бўлган саммит якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисида декларация ҳамда террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасида ги Шанхай конвенцияси имзоланди.

Декларацияда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг мақсади аъзо мамлакатларнинг бир-бирига ўзаро ишончи, дўстлик ва қўшничиликни мустаҳкамлаш, улар орасида сиёсий, савдо-иктисадий, илмий-техникавий, маданий, таълим, энергетика, транспорт, экология ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорликни рағбатлантиришдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган.

ШХТ доирасида аъзо мамлакатлар Ташқи ишлар вазирликларининг кенгаши, Мудофаа вазирликларининг кенгаши тузилган ва фаолият юритмоқда. Давлат ва ҳукумат, ташқи ишлар ва мудофаа вазирликлари, ҳукуқ-тартибот, хавфсизлик органлари раҳбарлари ва эксперталарининг учрашувлари ва маслаҳатлашувлари мунтазам ўтказилмоқда. Ҳамкорлик фаолиятини мувофиқлаштириш, тегишли органларнинг баҳамжиҳат ҳаратини таъминлаш мақсадида аъзо давлатларнинг Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши (ММК) ташкил этилган. ММК 2001 йилнинг июнь ойида Ташқи ишлар вазирлари имзолаган Низом асосида фаолият юритмоқда.

2002 йил 6—7 июнь кунлари ШХТга аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг Санкт-Петербург шаҳрида навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Музокаралар якунида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси, ташкилотнинг таъсис ҳужжати — ШХТ Хартияси, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида *Минтақавий аксилтеррор тузилмаси* ҳақидаги битим имзоланди. 2003 йил 29 май куни Москвада бўлиб ўтган саммитда ШХТ нинг доимий амал қилувчи идоралари — Пекинда котибият ва Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) ижроия қўми-тасини ишга туширишга қарор қилди. Бу ташкилотлар 2004 йил январдан бошлаб иш бошладилар.

2003 йил сентябрда Пекинда ШХТ давлатлари ҳукумат бошлиқлари (бош вазирлар) Кенгаши бўлиб ўтди, унинг қарори билан кўп томонлама ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. ШХТ доирасида аъзо мамла-

катларнинг ташқи ишлар вазирликлари, иқтисодий ва савдо вазирликлари, хавфсизлик кенгашлари ўртасида мунтазам алоқалар йўлга кўйилди.

2004 йил 17 июнь куни Тошкентда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди. Унда икки асосий масала – хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича музокаралар бўлди. Саммитда 2004 йил март ойида Ўзбекистонда содирик этилган террорчилик ҳаракати нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасида вазиятни издан чиқаришга қаратилганлиги қайд этилди. Бутун дунёда террорчилик кучайиб, ядроий, кимёвий, биологик, электрон террорчилик хавфи пайдо бўлганлиги, террорчиларнинг базаларини йўқотиш, одамларнинг онгини заҳарлайдиган, террорчиликни молиялаштирадиган марказларга қарши кескин кураш олиб бориш зарурлиги таъкидланди. Шу боисдан Тошкентда ташкил этилган МАТТ зиммасига ахборот алмашиш, чегара ва божхона қўими таларининг, маҳсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш вазифаси юклатилган.

ШХТнинг Тошкент саммитида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилди. Саммитда ШХТга аъзо мамлакатларни хавфсизлик орқали ҳамкорлик сари бошлайдиган ташкилотдир, деб таъкидланди. Саммитда иқтисодий ҳамкорликнинг қуйидаги йўналишларини рафбатлантиришга келишиб олинди:

- транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;
- табиий минерал хом ашё захираларини ўзлаштириш;
- сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш;
- экологияга оид масалалар, хусусан, ичимлик суви муаммоларини ҳал қилиш;
- фан-техника ва юқори технология, энергетика соҳаларида интеграциялашиш;
- инвестициялар хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий пойdevор яратиш, бу соҳадаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш.

Хитой Халқ Республикаси раиси Ху Цзинь Тао Хитой хукумати ШХТ доирасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга 900 млн. АҚШ доллары миқдорида кредит ажратишини маълум қилди.

Саммит якунида Тошкент декларацияси, ШХТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тұғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тұғрисидаги битим, ташкилот ва үнинг органлари фаолиятига доир ҳужжатлар имзоланди.

Хулоса қилиб айтганда, ШХТнинг шаклланиш даври ниҳоясига етди, ҳамкорликнинг янги даври бошланди. ШХТнинг Тошкент келишувлари хавфсизликнинг мустаҳкамланишига, иқтисодиётнинг юксалиши ва халқлар фаровонлигининг ошишига катта умид үйғотди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида ҳамдұстлик мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш алоҳида ўрин тутади. Икки томонлама ҳамкорлик деганда икки давлат ўртасидаги, яъни Ўзбекистоннинг бошқа бир мамлакат билан давлатлараро алоқаларни йўлга қўйиш ва чуқурлаштириш жараёни тушунилади.

Ўзбекистон Россия Федерацияси билан давлатлараро муносабатлар үрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. 1992 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дұстлик ва ҳамкорлик тұғрисида шартнома имзоланди. Шартнома икки давлат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга ҳуқуқий асос солди. Икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар үрнатилди, элчихоналар очилди.

Ислом Каримов 1994 йил март ойидаги Россия Федерациясига қилган расмий давлат ташрифи якунида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тұғрисида декларация имзоланди. Шунингдек, 1998 йил 12 октябрда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 1998—2007 йилларда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тұғрисида шартнома имзоланган.

1990 йилнинг охири 2000 йилнинг бошларида Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилиди. В.Путин қисқа муддатда Ўзбекистонга икки марта — 1999 йил 10—11 декабрда ва 2000 йил 18—19 май кунларида давлат ташрифи билан келди. Ташриф давомида икки мамлакат Президентлари ва расмий делегациялари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, хавфсизлик, жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, ҳалқаро террорчиликка қарши курашиш ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Шу тариқа, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар янгича мазмун касб этмоқда. Икки мамлакат ўртасида турли мақсадларга йўналтирилган 150 та ҳужжатлар имзоланган.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги товар айирбошлиш ҳажми 2000 йилда 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда 520 та Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси, шунингдек, Россия Федерацияси фирма ва компаниялари рўйхатга олинган. Россияда эса Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 250 га яқин қўшма корхона мавжуд. Ўзбекистон Россиядан машина ва жиҳозлар, кимё маҳсулотлари ва пластмасса, қора металл ва бошқа товарлар сотиб олиб, Россияга турли машина ва жиҳозлар, пахта толаси, хизматлар, озиқ-овқат молларини экспорт қилади.

2004 йил 16 июнда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида битим имзоланди. Учрашув давомида Ўзбекистон Республикаси билан „Лукойл“ нефть компанияси, ОАЖ ҳамда „Ўзбекнефтъгаз“ миллий холдинг компанияси билан „Газпром“ очиқ акциядорлик жамияти ўртасида маҳсулот тақсимотига оид битим имзоланди. Бу ҳужжат Россия томонидан Ўзбекистон ёқилғи-энергетикаси соҳасига қарийб 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишни назарда тутади. Икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми 2003 йилда 1 млрд. 149 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар том маънодаги тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик, бир-бирларининг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ҳурмат қилиш тамойиллари асосида чуқурлашиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг дунёдаги энг тараққий этган мамлакат — АҚШ билан ўзаро манфаатли алоқалари 1991 йилданоқ бошланган эди. 2001 йил 11 сентябрь куни ҳалқаро террористлар АҚШда содир этган фожиали воқеалар пайтида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб АҚШ ҳуқуматининг ҳалқаро терроризмга қарши аксилтеррор комиссия тузиш ҳақидаги таклифи тарафдори бўлиб чиқди. Ўзбекистон АҚШ билан биргаликда ҳалқаро аксилтеррор коалицияда фаол қатнашмоқда.

2002 йил 11—14 март кунлари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошлиқ давлат делегацияси Президент Жорж Буш тақлифига биноан расмий давлат ташрифи билан АҚШда бўлди. Томонлар ҳалқаро аҳвол, Марказий Осиёдаги жараёнлар, ҳалқаро терроризмга қарши кураш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий, иқтисодий ҳамкорлик масалаларида фикр алмашдилар. Ташириф якунида „Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ўзаро шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация“, илмий-техникавий тадқиқотлар, ядрорий материаллар ва технологиялар тарқалишининг олдини олишда ҳамкорлик, молия, қишлоқ хўжалигига оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

АҚШни синовли дамларда қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Америка жамоатчилиги томонидан Ҳалқаро миқёсдаги „Лидер“ мукофотига сазовор бўлди. Бу Америка ҳалқининг Ўзбекистон ҳалқига ҳурмат-эътибори рамзидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жаҳондаги нуфузли давлатлар — Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа юздан ортиқ мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқалари ўрнатилди ва тобора кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиши ва тобора чуқурлаштириши

алоҳида ўрин тутади. 1996 йил 21 июнда Флоренция шаҳрида имзоланган Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги „Шериклик ва ҳамкорлик тўгрисидаги битим”, унинг 1999 йил 1 июля кучга кириши мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро муносабатларининг хуқуқий негизига айланди.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва маданий-гуманитар алоқалари ривожланиб, чуқурлашиб бормоқда. Бугунги кунгача республикамизда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг 145 фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитация қилинди. Европалик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 491 та корхона ишлайяпти, улардан 111 таси юз фойзлик Европа капиталига эга. 1995—2002 йилларда Европа Иттифоқи мамлакатларининг фирма ва компаниялари республикамизда умумий қиймати қарийб 8 млрд. АҚШ доллариллик йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда қатнашди. 2002 йилда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан маҳсулот айирбошлаш ҳажми 1 млрд. 65,8 млн. АҚШ долларини, 2003 йилда эса 1,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг 13 йили давомида ҳалқаро муносабатларни ўйлга қўйиш ва ривожлантириш, унинг нуфузини кутариш бобида асрларга тенг ишлар амалга оширилди:

- Ўзбекистонни 143 давлат тан олди;
- жаҳоннинг 120 мамлакати билан дипломатик алоқалар ўрнатилиди;
- Тошкентда 43 мамлакатнинг элчихоналари очилди;
- республикада 88 та хорижий мамлакат ваколатхоналари аккредитация қилинган, 24 ҳукуматлараро ва 13 ноҳкумат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда;
- дунёдаги 30 дан ортиқ давлатда Ўзбекистоннинг элчихоналари ва консуллари ишлаб турибди;
- Ўзбекистон 41 та нуфузли ҳалқаро иқтисодий ва молия ташкилотларининг тенг ҳуқуқли аъзоси;
- жаҳоннинг 140 мамлакати билан савдо-иктисодий муносабатлар ўрнатилган;

- мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётига 14 млрд. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилинди;
- жаҳоннинг 80 мамлакатига Ўзбекистон маҳсулотлари экспорт қилинали ва турли хизматлар кўрсатилади. Экспортнинг умумий ҳажми деярли 2 баравар, узоқ хорижий мамлакатларга ёса 2,4 баравар ошили;
- ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси (қолдиги) 2003 йилда 760 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

---

## ХУЛОСА

13 йил тарих учун қисқа муддат, лекин мустақил тараққиёттинг ҳар бир йилида асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Қўлингиздаги китобда келтирилган далил ва рақамлар мамлакатимиз событқадамлар билан Президентимиз танлаб берган йўлдан буюк келажак сари олға қараб кетаётганлигини яққол кўрсатмоқда.

### Ўзбекистон халқи:

- демократик ҳуқуқий давлатнинг ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини яратиб,
- иқтисодиётни тузилмавий қайта қуришни ва чуқур бозор ислоҳотларини амалга ошириб,
- жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлини изчиллик билан олиб бориб,
- ҳалқнинг маънавий меросини қайта тиклаб ва жаҳон маданиятининг замонавий бойликларини ёшларга очиб бериб, мамлакат ҳавфсизлиги, барқарорлиги ва ўзи танлаган йўлидан оғишмай боришини таъминлаб, XXI асрга ва янги минг йилликка ишонч билан қадам қўйди, келажакка умид ва ишонч билан бормоқда ҳамда истиқболдаги тараққиёт ва фаровонликка кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

## АДАБИЁТЛАР

1. И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., „Ўзбекистон“, 1997.

2. И. А. Каримов. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, ҳалқимизнинг ҳамжиҳатлигига ва букилмас иродасига боғлиқ. „Халқ сўзи“ газетаси. 2004 йил 30 апрель.

3. И. А. Каримов. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т., „Ўзбекистон“, 1992.

4. И. А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисад, сиёsat, мафкура. 1- том, Т., „Ўзбекистон“, 1996.

5. И. А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том, „Ўзбекистон“, 1996.

6. И. А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5- том, Т., „Ўзбекистон“, 1997.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқи. „Халқ сўзи“ газетаси, 2001 йил 20 июнь.

9. И. А. Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т., „Ўзбекистон“, 2001.

10. И. А. Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т., „Ўзбекистон“, 2002.

11. И. А. Каримов. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., „Ўзбекистон“, 2003.

12. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., „Ўзбекистон“, 1992.

## МУНДАРИЖА

Мұхтарам ўқувчи!	3
Ватан мустақиллигининг құлға киритилиши	4
Огоҳ бўлайлик!	7
Жамиятни демократлаштириш йулида	10
Тараққиётнинг „узбек модели“	14
Маънавий-маданий юксалиш йулида	24
Баркамол авлод — келажагимиз	28
Ватан хавфсизлигининг таъминланиши	31
Халқаро ҳамкорлик	35
Хулоса	44
Адабиётлар	45

**Ўзбекистон:  
13 йил мустақил  
тараққиёт йўлида**

**Тошкент „Ўқитувчи“ 2004**

**Нашр учун масъул Н. Халилов**

Таҳририят мудири *С. Мирзахўжаев*

Муҳаррир *С. Ҳуснутдинов*

Тех.муҳаррир *Т. Грешникова*

Мусаҳих *М. Иброҳимова*

Компьютерда саҳифаловчи *К. Ҳамидуллаева*

**ИБ № 8432**

2004 йил 25 августда чоп этишга рухсат берилди. Бичими  $84 \times 108^1$ ,  
„Таймс“ ҳарфида терилиб, оғсет усулида босилди. Босма табоги 3,0.

Шартли б.т. 2,52. Нашр.т. 2,8. 2000 нусхаси босилди.

Буюртма № Д-2269

Анлоза нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус  
таълим вазирлиги „ЎАЗБНТ“ Марказида тайёрланди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги „Ўқитувчи“ нашриёт-  
матбаа ижодий уйи. Тошкент, 129, Навоий кӯчаси, 30.

Шартнома № 07—159—04.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги „Ўзбекистон“  
нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. 2004.

2500 сўнг  
1000

66.3

У18

Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт  
йўлида.

Т.: „Ўқитувчи“, 2004. 48 б.

ББК 66.3я7.

РАССЫЛКА